



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ОЛИЙ  
МАЖЛИСНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Сирдарё вилояти юридик техникуми директори  
икккинчи даражали юрист

Жаҳонгир Холбаев Ўқтамович

@Jakhongir\_Kholbaev

Телефон+998(90)400-80-08

Сирдарё вилояти юридик техникуми ўқитувчиси  
учинчи даражали юрист

Лапасов Дилшод Абдусаид ўғли

Телефон+998(93)322-11-44

fayzona2017@gmail.com

**Аннотация:** Қонунчилик лойиҳаларини таййёрлаш ишини олиб бориш. Қонунчилик палатаси мухокамасига киритилган масалаларни дастлабки тарзда қўриб чиқиш ва таййёрлаш.

**Калит сўзлар:** Конституция, Парламент, Концепция, Сенат, Президент.

**РОЛЬ ОЛИЙ МАЖЛИСА В ГОСУДАРСТВЕННОМ УПРАВЛЕНИИ РЕСПУБЛИКИ  
УЗБЕКИСТАН**

Директор Сырдаръинского областного юридического техникума

юрист 2 класса

Джахангир Холбаев Уктамович

@Jakhongir\_Kholbaev

Телефон+998(90)400-80-08

Преподаватель юридического техникума Сырдаръинской области

юрист 3 класса

Лапасов Дилшод Абдусаид угли



Телефон+998(93)322-11-44

[fayzona2017@gmail.com](mailto:fayzona2017@gmail.com)

**Аннотация:** Проведение нормотворческой работы по проектам законодательства. Предварительное рассмотрение и нормирование вопросов, вносимых на рассмотрение законодательной палаты.

**Ключевые слова:** Конституция, Парламент, Концепция, Сенат, Президент.

### Ўзбекистонда парламентни вужудга келиш босқичлари

Конституциямизда олий қонунчилик органимиз Олий Мажлис деб номланиб, замонавий тилда айтганда бу миллий парламентимиз ҳисобланади. Конституциямизнинг XXII боби “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси” деб номланади.

Унга асосан Олий Мажлис Ўзбекистон фуқаролари томонидан умумий, тенг, тўғри сайлов принципи асосида яширин овоз орқали қўппартиявилик асосида сайланадиган қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширадиган олий давлат органи деб белгиланди. Ваколат муддати беш йил қилиб ўрнатилди.

Мустақилликни дастлабки йилларида Олий Мажлис бир палатали тарзда ташкил қилинган.

Дастлаб 1993-йил 28-декабрда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”, 1994-йил 22-сентябрда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида” қонуни қабул қилинди.

1994-йил 25-декабрда Олий Мажлисга сайлов ўtkазилди. Сайлов энг демократик принцип ва талаблар асосида ўтди. Мамлакатда ташкил қилинган 250 та сайлов округидан 139 тасида учтадан, 106 тасида иккитадан номзод қўйилиб, сайлов ўтказилди. Сайловлар қўппартиявилик асосида ўтди. Натижада биринчи марта мустақиллик шароитида мамлакат парламенти шакллантирилди.

1995-йилда сайланган парламент Олий Мажлис Ўзбекистон ҳаётида, халқлар тақдирида муҳим рол ўйнади. Жамиятни ривожланишини таъминловчи хукуқий

асослар яратилди. Парламентда ҳалқчиллик ўрнатилди. Парламентда ишлаш тажрибаси вужудга келди, айтиш мумкинки, у мустақилликни мустаҳкамланиши, мамлакатда барқарорликни таъминлаш каби муҳим вазифаларни бажарди. Лекин жамият ривожланиши доимий ислоҳотларни бўлишини тақозо этади. Шунинг учун 2000-йилларда Парламентни янада ривожлантириш зарурати вужудга келди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining 2000-йил май оида бўлиб ўтган сессиясида Президент Олий Мажлисни икки палатали тизимга ўтказиш профессионал парламент шакллантириш ғоясини илгари сурди. Ҳаёт ўзгариши, кишилар онгини ўзгариши парламентни ташкил қилиш ва фаолиятида таъсирини ўтказиши зарурат бўлиб қолгани таъкидланди.

Парламентни ташкил қилиш масаласи юзасидан ҳалқни фикрини билиш мақсадида 2002-йил 27-январда референдум ўтказилиб уни икки палатали парламентга ўтиш ҳамда Президент ваколати муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартириш ҳақидаги масала киритилди.

2002-йил 27-январда бўлиб ўтган референдумда аҳоли икки палатали парламент тузилишини ва Президент ваколати етти йил қилиб белгилашни маъқуллади.

Олий Мажлис сессиясида 2002-йил 4-апрелда “Референдум якунлари ва давлат ҳокимиютини ташкил қилишининг асосий принциплари тўғрисида” Конституциявий қонун қабул қилинди.

Қонун 1-моддасида ушбу қонун Конституциянинг моддаларига ва амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишига асос бўлиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Қонун республикада сайлов ўтказилиши муддатлари, Олий Мажлисining тузилишини, Қонунчилик палатаси ва Сенатни ташкил этиш тартиби, палаталарнинг ишини ташкил этиш, Президентнинг ваколат муддатини белгилаб қўйди.

1991-2004 йиллар давомида бир палатали парламент шаклида ва 2005 йилдан бошлаб икки палатали (бикамерал) парламент шаклида фаолият кўрсатган.

### Парламент ислоҳотлари:



Қонунчилик палатаси доимий ишловчи, профессионал аъзолардан иборат тузилма, Сенат аъзолари сенаторлик фаолиятини асосий ишлаш жойидан ажралмаган ҳолда олиб бориши белгиланди. Конституцияда ҳар икки палатанинг мутлоқ ваколатлари, биргалиқдаги ваколатлари, қонунчилик жараёнининг конституциявий асослари белгилаб қўйилди.

2004-йилда “Ўзбекисон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди ва унда Сенатни ташкил қилиш билан боғлиқ тартиблар белгиланди.

2002-йил 12-декабрда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида” ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида” иккита Конституциявий қонун қабул қилинди.

2003-йил декабр ойида бўлиб ўтган умумий, тўғри, teng сайлов натижасида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва сайловда сайланган маҳаллий вакиллик органлари депутатларининг қўшма мажлисида ўтказиладиган сайловлар натижасида Олий Мажлиснинг юқори палатаси шакллантирилди ва Ўзбекистонда икки палатали професионал парламент фаолияти бошланди. Шу билан парламент ислоҳотлари тугагани йўқ, уни такомиллаштириш давом этмоқда.

2007-йил 11-апрелда қабул қилинган ва 2008-йил 1-январдан кучга кирган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги

Конституциявий қонунига асосан, Бош вазир номзоди Президент томонидан Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашув ўтказилгандан сўнг парламентда кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тақдим қилиш тартиби ўрнатилиши, Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари Президентга Бош вазири лавозимидан озод қилиш бўйича таклиф киритиш хуқуки берилиши Қонунчилик палатасини мавқеи кенгайганлигини қўрсатади.

Президент Концепцияси ва у асосда Конституцияга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга асосан Бош вазир ва Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда, Қонунчилик палатаси депутатларининг умумий сонининг



учдан бир қисми овози билан Баш вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш масаласини кўтариш ҳуқуқини берилиши ҳам Конунчилик палатаси мавқеини ошиб бораётганлигини кўрсатди.

Хозирги фаолият кўрсатаётган Олий Мажлис 2008 йил декабр ойида ўтган сайловлар натижасида шакллантирилган бўлиб, ўз ваколатини уdda lab келмоқда ва вакиллик ҳокимиятини етарли даражада акс эттирилмоқда.

### **Олий Мажлиснинг давлат ҳокимияти тизимидағи ўрни ва вазифаси:**

Олий Мажлис – парламентнинг давлат ҳокимияти тизимидағи ўрнини аниқлаш учун, аввало парламентнинг ўзини давлатчиликдаги, ҳалқ ҳокимиятчилигини амалга оширишдаги ролини аниқлаш, бошқача айтганда шу ҳақда тассуротга эга бўлиши керак.

Парламентни вужудга келиши – жаҳон давлатчилик тажрибасидаги энг йирик воқеа деса бўлади. Парламентни вужудга келиши биринчидан, минг йиллар давомида яшаб қелган давлат ҳокимиятини бир киши (монарх) қўлида тўпланишига барҳам берди. Иккинчидан, якка хукмонликни чегаралади. Учинчидан, давлат ҳокимиятини тармоқлар асосида амалга ошириши имкониятини вужудга келтирди. Тўртинчидан, ҳокимият ишларида мамлакат аҳолисини (фуқароларини) иштирок этишининг самарали воситаси вужудга келди. Бешинчидан, давлат, жамият фаолиятида вакиллик назоарти вужудга келди. Олтинчидан, қонун ишлаб чиқиш, қабул қилиш професионализм асосида олиб бориладиган бўлди.

Парламентизм вужудга келиши кейинчалик давлат бошқарувини энг демократик, давлат бошқарувида кўпчиликни иштирокини таъминлайдиган республика шаклини пайдо бўлиши ва ривожланишига таъсир қилди.

Парламентизм вужудга келиши ва ривожланиши инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда янги босқич бўлди. Шуларни хисобга олган ҳолда ҳар бир демократик йўлдан бораётган мамлакатлар ўз парламентини шакллантириш, ривожлантиришига алоҳида эътибор беради.

Парламент ташкил қилинишида Ўзбекистон Конституциясининг 11-моддаси “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими қонун чиқарувчи, ижро



этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принсипига асосланади” қоидасига тўла амал қилишга ва Олий Мажлиснинг фаолиятини Конституциявий асосда тартибга солишда алоҳида эътибор берилди. Олий Мажлис – Ўзбекистон Ўзбекистон Республикаси Парламенти бўлиб, қонунчилик ҳокимиятини амалга оширади. Шу билан бирга у олий давлат вакиллик органидир. Олий Мажлиснинг палаталарини ташкил бўлиши, уларнинг аъзоларини таркибини кўрадиган бўлсак улар аҳолининг кенг қатламларини вакили эканлигига гувоҳ бўламиз. Олий Мажлис палаталарининг депутат ва сенаторлари орасида эркаклар ва аёллар, турли ёшдаги кишилар, турли касб эгалари, олимлар, турли партия вакиллари борлигини кўрамиз. Улар ҳалқнинг ишонч билдирган ва ҳалқдан ваколат олган кишилардир. Улар Олий Мажлис палаталарида ҳалқ номидан иш кўради. Шунинг учун Олий Мажлисни давлатнинг вакиллик органи деб қонунда белгилаб қўйилган.

### **Олий Мажлиснинг вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:**

Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини, ваколатларини белгилаш. Давлат органларининг мансабдор шахслари, аъзоларини тайинлаш, сайлашда иштирок этиш.

Мамлакат таркибига янги тузилмаларни қабул қилиш, уларни республика таркибидан чиқариш ҳақидаги масалалар, маъмурий-худудий тузилиш масалаларини ҳал қилиш. Қабул қилинган қонунлар ижросини назорат қилиш, ижро ҳокимиятини (хукумат) фаолияти устидан назорат ўрнатиш. Мамлакатимизда демократик жараёнларни ривожланиб бориши ижро ҳокимияти фаолияти устидан вакиллик ҳокимияти, яъни парламент назоратини кучайтиришни тақозо этмоқда.

Конституциямизнинг XXII боби “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси”-деб номланади ва унда Олий Мажлиснинг мақоми, тузилиш таркиби, ташкил этиш тартиби, ваколатлари, палаталарнинг бир-бири билан муносабати, раҳбар ва ёрдамчи органлари, қонунчилик жараёни конституциявий нормалар асосида тартибга солинган.



Конституциянинг 76-моддасига асосан: “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан – Конунчилик палатаси (қуи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Конунчилик палатаси ва Сенати ваколат муддати – беш йил”

### **Олий Мажлис палаталарининг шакллантирилиши:**

Олий мажлис юқори ва қуи – икки палатадан таркиб топган. Олий Мажлиснинг Конунчилик палатасининг ҳам, Сенатниг ҳам ваколат муддати беш йил – бу эса Олий Мажлиснинг ваколати ҳам беш йил эканлигини билдиради.

Конституциянинг 77-моддаси Олий Мажлис палаталарининг ташкил этиш тартибини белгилаган. Унга асосан Конунчилик палатасининг бир юз ўттиз беш депутати бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳукуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Конунчилик палатасининг ўн беш депутати Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланди. Шунда Конунчилик палатаси депутатларининг умумий они 150 кишидан иборат бўлади. Конституциянинг бу нормаси Конунчилик палатасини фақат сайлов юли билан ташкил қилиш тартибини ўрнатади, шу билан бирга сайловни ҳам икки усулинини умухалқ сайлови ва алоҳида ҳаракат томонидан сайлов ўтказилишини белгилади.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонунининг II бўлими “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Сенатини шакллантириш тартиби” деб номланган ва унда Сенатни шакллантириш кенг тартиба солинган.

Олий Мажлиснинг юқори палатаси Сенат ҳам сайлов ҳам тайинлаш йўли билан шакллантирилади. Сенатга сайлов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайланганидан кейин бир ойдан кечиктирмай ўтказилади.



Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, вилоят, туман, шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органинг сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган депутати Сенат аъзолигига сайланиш учун номзод бўлиши мумкин.

Давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлиси, агар унда депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлисини чақириш, Сенат аъзолигига номзод кўрсатиш, шунингдек овоз беришни ўтказиш қонун ҳужжутларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида Сенат аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисидаги низом Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Овоз бериш натижаларига кўра бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз олган Сенат аъзолигига номзодлар, номзодлар, башарти давлат ҳокимияти вакиллик органларининг мажлисда ҳозир бўлган депутатларнинг эллик фоизидан ортиги уларни ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган деб ҳисобланади.

Агар овоз бериш чоғида белгиланган миқдорда Сенат аъзолари сайланмаган бўлса, сайланмай қолган миқдордаги Сенат аъзолиги учун овозларнинг зарур миқдорини тўпламаган номзодлар бўйича давлат ҳокимияти вакиллик органиларининг ана шу қўшма мажлисининг ўзида такрорий овоз бериш ўтказилади.

Марказий сайлов комиссияси давлат ҳокимияти вакиллик органлари қўшма мажлисларининг баённомалари асосида, бу баённомалар келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай, Сенат аъзоларини рўйхатга олади.

Агар сайлов давомида, овозларни санаб чиқиша, яширин овоз бериш натижаларини аниқлашда ушбу Қонун талаблари сайлов натижаларига таъсир қилган тарзда бузилишига йўл қўйилган бўлса, Марказий сайлов комиссияси Сенат аъзоларининг сайловини ҳақиқий эмас деб топиши мумкин.



Давлат ҳокимиюти вакиллик органлари қўшма мажлислининг, шунингдек Марказий сайлов комиссиясининг Сенат аъзоларининг сайлови тўғрисидаги қарорлари устидан қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят берилиши мумкин.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Allan Ides Christopher N. May Constitutional Law - Individual Rights. Fifth Edition 2012.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Т. “Ўзбекистон” 2019
3. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-378-сон Қонуни // 3.12.2014 й. // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й., 49-сон
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги 432-II-сон Конституциявий қонуни // 12.12.2002 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон
5. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги 522-II-сон Қонуни // 29.08.2003 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон
6. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати азосининг мақоми тўғрисида”ги 704-II Қонуни // 02.12.2004 й. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2005 й., 3-4-сон
7. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 3-4-сон
8. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги (Янги таҳрири) 518-II-сон Қонуни// 29.08.2003 й.
9. В.Т. Мусаев, К.Р. Алиева, Б.Нариманов “Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи” Дарслик. Т. 2019



10. А. Азизхўжаев ва бошқ. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. Т., «Ўзбекистон», 2008.
11. O.T.Husanov Конституциявий хукуқ атамалари. Т.,«Шарқ», 2015.– 318 бет
12. O.T.Husanov “Конституциявий хукуқ” Т.”ИЛМ-ЗИЁ” 2017. – 521 бет

### Электрон таълим ресурслари

13. <http://www.lex.uz>
14. <http://www.gov.uz>
15. <http://www.ziyonet.uz>